

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ РУСТАМ УМАРХАНОВИЧ

**УЮРМАЛИ ҚУВУРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ БУРҒИЛАШ УСКУНАЛАРИНИ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНИ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари;

04.00.15 – Геология қидирув ишлари технологияси ва техникаси

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Джураев Рустам Умарханович

Уюрмали кувурларни қўллаб бурғилаш ускуналарини энергия самарадор эксплуатациясини илмий асосларини ишлаб чиқиш.....3

Джураев Рустам Умарханович

Разработка научных основ энергоэффективной эксплуатации бурового оборудования с использованием вихревых труб.....29

Djuraev Rustam Umarkhanovich

Development of scientific foundations for energy efficient operation of drilling equipment using vortex tubes55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ РУСТАМ УМАРХАНОВИЧ

**УЮРМАЛИ ҚУВУРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ БУРҒИЛАШ УСКУНАЛАРИНИ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНИ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари;

04.00.15 – Геология қидирув ишлари технологияси ва техникаси

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (Doctor of Sciences) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/T369 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Меркулов Михаил Васильевич
техника фанлари доктори, профессор
Тошов Жавохир Буриевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Столповских Иван Никитович
техника фанлари доктори, профессор
Нескоромных Вячеслав Васильевич
техника фанлари доктори, профессор
Шакиров Анвар Адилевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Геология ва геофизика институти

Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил 14 декабр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (64 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2020 йил 30 ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил 30 ноябрдаги 26 рақамли реестр баённомаси)



К.С. Санакулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш Илмий котиби, т.ф.д., профессор

И.Т. Мислибаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фойдали қазилмаларни қидириш ва уларни қазиб олиш, ҳар қандай давлатнинг халқ хўжалиги тармоқларини оширувчи индустриянинг асосий таянчи ҳисобланади. Қидирув скважиналарининг ўртача чуқурлиги 500-600 метрни, айрим конларда эса 1200-1500 метр ва ундан юқорини ташкил этади. Бурғилаш тезлиги – фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш ҳамда технологик ва техник скважиналар эксплуатацияси муддатларини камайтириш имконини беради. Ҳаво ёрдамида бурғилаш янги прогрессив ва юқори самарадор усулларга киради, суюқлик билан ювиб бурғилашдан фарқи шундаки, забойни шламдан тозалаш учун газсимон агент, яъни сиқилган ҳаво қўлланилади. Скважиналарни ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилаш геологик қийинчиликлар билан боғлиқ тўхталишларни бартараф этиш ва бурғилашнинг механик тезлигини оширишга ёрдам беради, бу эса бурғилаш ишларининг унумдорлиги ва самарадорлигини ошишига олиб келади. Бурғилаш ускуналарининг эксплуатацияси самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар охиригача ечилмаган ва уни ҳозирда ечиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда бурғилаш амалиёти шуни кўрсатадики, бурғилаш суюқликларини қўллаш ноқулай ва қийин шароитда, ювувчи суюқликни ютувчи муҳитда, сув таъминоти имконсиз ва қийин бўлганда ҳамда атроф муҳитнинг салбий ҳароратларида скважина тубини шламдан тозалаш учун сиқилган ҳавони қўллаш энг самарали усул ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳавонинг паст иссиқлик ўтказувчанлиги сабабли скважина тубида жинс парчаловчи инструментнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи юқори ҳарорат ҳосил бўлади. Бундан ташқари, бурғилаш ишларининг харажатлари худди шундай шароитларда қўлланиладиган насос ускуналари юритмасига нисбатан, юритмасининг энергия сарфи юқори бўлган компрессор ускуналарини қўллаш эвазига сезиларли даражада ошади. Скважиналарни бурғилашда уларнинг ўтиш тезлигини ошириш, юқори унумдор техник ва технологик ечимларни жорий қилиш заруратини тақазо этмоқда.

Республикамизда янги фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини жадаллаштириш, бурғилаш ускуналарини ишлатишда энергия тежовчи ва иқтисодий самарали усулларни тадқиқ қилиш, скважиналарни бурғилаш ишларида ресурстежамкор технологияларни қўллаш, бурғилаш ишлари таннархини камайтириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4124 сонли «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 17 январь 2019 йилдаги қарори.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бурғилаш ускуналарининг эксплуатацияси энергия самарадорлигини ошириш, фойдали казилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг муддатларини камайтириш ҳамда геологик қидирув ишларининг ёқилғи энергия сарфларини камайтириш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Бурғилаш жиҳозлари ва компрессор ускуналарининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим ўқув юртларида, жумладан, University of Tulsa (АҚШ), Woodbury University (АҚШ), Россия давлат геология қидирув университети (Россия), Сибир Федерал университети (Россия), The University of Queensland (Австралия), Урал давлат кончилик университети (Россия), Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС» (Россия), Минерал ресурслар институти давлат корхонаси, Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бурғилаш жиҳозлари ва компрессор ускуналари самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан: бурғилаш ускуналарининг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар аниқланган (Урал давлат кончилик университети, Россия), жинс парчаловчи асбобларнинг самарадорлиги оширилган ва такомиллаштирилган (University of Tulsa, АҚШ), Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС» Россия), Бурғилаш ишларининг энергия ва ресурстежамкорлиги усуллари ишлаб чиқилган (Россия давлат геология қидирув университети), скважиналар ўтишнинг харажатларини камайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (The University of Queensland, Австралия, Сибир Федерал университети, Россия) Минерал

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amozon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ресурслар институти, Ўзбекистон), Компрессор ускуналарини ишлатишда энергиятежамкорлик, компрессор ускуналарининг иккиламчи энергия ресурсларини утилизация қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Навоий давлат кончилик институти).

Жаҳонда бурғилаш ускуналари эксплуатациясининг энергия самарадор усуллари ишлаб чиқишга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: бурғилаш ускуналарини самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, жинс парчаловчи инструментларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тадқиқ қилиш, бурғилаш ишларини амалга оширишда энергия ва ресурстежамкор усуллари ишлаб чиқиш, компрессор ускуналарининг иккиламчи энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бурғилаш ускуналарининг энергия самарадор эксплуатацияси, жинс парчаловчи асбобларни самарадорлигини ошириш ва компрессор ускуналарини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий ривожланишига Соловьев Н.В., Куликов В.В., Кудряшов Б.Б., Горшков Л.К., Лимитовский А.М., Меркулов М.В., Стеклянов Б.Л., Шамансуров И.И., Тошов Ж.Б., Рахимов Р.Р., Торгашов А.В., Миняев Ю.Н., Френкель М.И., Фролов П.П., Шамшев Ф.А., Шрейнер Л.А., Магардумов А.М., Heriot Watt., Garnier A.I., Hollis W.T., Cannon G. E., Nicolson R.M., Stapel A.G ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Улар томонидан бурғилаш ускуналарининг самарадорлигини ошириш ва кон компрессор ускуналари энергия сарфини камайтириш билан боғлиқ катта натижаларга эришилган.

Бироқ бугунги кунга қадар жинс парчаловчи асбобларнинг ишлаш муҳитини яхшилаш эвазига, уюрмали қувурларни қўллаб бурғилаш ускуналари эксплуатацияси самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, жинс парчаловчи асбобларнинг юқори ҳарорат тартибларининг бурғилаш самарадорлигига ва энергия сарфига таъсири тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Шу билан бир қаторда, тоғ жинсларининг хусусиятлари идеализацияси шароитлари ва ишчи орган иш шароитлари орасидаги боғлиқликнинг йўқлиги, скважина тубида ажралаётган юқори ҳароратларнинг ҳажмий парчаланиш тезлигига боғлиқлиги, скважиналарни бурғилашда тозаловчи ҳаво ҳароратининг ошишини ва жинс парчаловчи асбобларнинг ишчанлигига таъсирини аниқлаш муаммолари келиб чиқади. Шу муносабат билан жинс парчаловчи асбобларнинг ҳарорат режимларини тадқиқ қилиш ва скважиналарни ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашда энергия самарадорлигини ошириш, кон-геология соҳасининг долзарб илмий-амалий муаммоси ҳисобланади ҳамда ушбу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот режасининг ЁБВ–Атех–2018–22-сонли «Скважиналарни ҳаво ёрдамида бурғилашнинг самарадорлигини ошириш учун ресурстежамкор

технологияларни ишлаб чиқиш» (2018–2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жинс парчаловчи асбобларнинг ишлашдаги ҳарорат тартибларини такомиллаштириш ва компрессор ускуналарининг самарадорлигини ошириш асосида скважиналарни ҳаво ёрдамида бурғилашнинг самарали энергетик мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

скважиналарни ҳаво билан бурғилаш бўйича бажарилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

жинс парчаловчи асбобни ишлашдаги ҳарорат тартибларини ва унинг бурғилаш самарадорлигига таъсирини тадқиқ қилиш;

уормали қувурни ва уни жинс парчаловчи асбобни совутишда қўллаш мумкинлигини тадқиқ қилиш;

уормали қувурни скважина тубида жойлаштириб бурғилаш асбобини янги конструкциясини ишлаб чиқиш;

уормали қувурни қўллаб, скважина ҳарорат режимининг математик моделини ишлаб чиқиш;

компрессор ускунасининг энергия самарадорлигини тадқиқ қилиш ва ортиқча ҳаводан фойдаланган ҳолда, компрессор ички ёнув двигателини иссиқлигини утилизация қилиш тизими конструкциясини яратиш;

ички ёнув двигатели тутун газлари эжекциясининг, унинг иш самарадорлигига таъсирини экспериментал тадқиқ қилиш;

скважиналарни ҳаво ёрдамида бурғилашнинг энергетик самарадорлигини оширувчи усулларни ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган ечимларнинг энергетик самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти ҳаво ёрдамида бурғилашнинг технологик жараёнлари, бурғилаш ускуналарининг энергия самарадор эксплуатацияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – жинс парчаловчи асбобларнинг ишлашдаги ҳарорат режимлари ва бурғилаш ускуналарининг компрессор қурилмасининг дизель юритмаси самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда назарий умумлаштириш, лаборатория ва саноат ишлаб-чиқариш шароитида экспериментал тадқиқ қилиш, шунингдек, жинс парчаловчи асбобларни ҳарорат тартибларини математик статистика, стандарт математик ҳамда график дастурларни ўз ичига олган ҳолда математик моделлаштириш тадқиқотларнинг умумлашган усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совутилган ҳаво ҳароратини компрессор ҳосил қиладиган турли босимларда ҳисоблаш имконини берадиган, экспериментал маълумотларнинг таҳлили асосида уормали совутгични совуқ ҳаво оқими ҳароратининг катталиги ҳаво босимига аналитик боғлиқлиги аниқланган;

ҳаво босимига боғлиқ ҳолда скважинани ҳар қандай нуқтасида ҳароратни башорат қилиш ва аниқлаш имконини берадиган, уормали қувурни қўллаб скважинани математик модели ишлаб чиқилган;

компрессор юритмасининг иккиламчи энергия ресурсларини утилизация қилиш қурилмасини қўллаганда, ички ёнув двигателининг тутун газлари қувурида эжекцияли соплами қўллаш ёнилғи сарфини камайтириш имконини бериши ва ёнилғи сарфининг қиймати двигателга бериладиган юкламага қараб ўзгариши аниқланган;

компрессорнинг энергия йўқотилишларини камайтириш ва фойдали иш коэффициентини ошириш имконини берадиган, компрессор ички ёнув двигатели иккиламчи энергия ресурсларини утилизация қилиш ускунасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

скважина тубида тозаловчи ҳаво оқими ҳароратини аниқлашни имконини берувчи, уюрмали қувурли бурғилаш снарядидан чиқувчи совутувчи ҳаво оқими температурасининг компрессор ҳосил қиладиган ҳаво босими ва сарфига боғлиқлиги аниқланган;

анъанавий бурғилаш снарядини ва уюрмали совутгичли бурғилаш снарядини қўллаганда турли ўқли босимларда скважина тубидаги ҳароратнинг ўзгариши айланишлар сонига эмпирик боғлиқлиги аниқланган;

скважина тубида ҳароратни пасайтириш эвазига, бурғилашнинг механик тезлигини ошириш имконини берувчи уюрмали совуткичли бурғилаш снарядининг конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компрессор ускунаси эксплуатацияси самарадорлигини ёқилгини иқтисод қилиш ва иккиламчи энергия ресурсларини утилизация қилиш эвазига оширувчи, ички ёнув двигатели иссиқлигини утилизация қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

бурғилаш коронкаси мустақамлигини ошириш ва энергия сарфларини камайтириш имконини берувчи ечилувчи керн қабул қилгичли колонкавий снаряднинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

жинс парчаловчи асбобнинг ишлашидаги ҳарорат режимларини меъёрлаштириш имконини берувчи ҳаво пурқаб бурғилаш учун бурғилаш снарядининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

скважина тубида ҳароратни башоратлаш ва ҳисоблаш имконини берувчи, скважина ҳарорат тартибининг аналитик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг миқёсдаги лаборатория ва саноат шароитидаги тажрибалар, бурғилаш ускуналарининг эксплуатациясининг энергия самарадор усулларини ишлаб чиқишда ишнинг асосий ғоясининг миқдорий кўрсаткичларининг қоникарли даражада мувофиқлиги, шунингдек, бурғилаш ускуналарини энергия самарадорлигини оширувчи бурғилаш снаряди конструкциясини ва компрессорнинг ички ёнув двигатели иссиқлигини утилизация қилиш қурилмасини қўллаш орқали эришилган ижобий натижалар орқали исботланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уюрмали қувурни ва уни жинс парчаловчи асбобни совутишда қўллаш мумкинлигини тадқиқ қилиш, уюрмали қувурни қўллаб скважина ҳарорат режимининг математик моделини ва

уюрмали қувурларни қўллаб бурғилаш ускуналарининг энергия самарадор эксплуатациясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти компрессор ускунаси ички ёнув двигатели иссиқлигини утилизация қилиш қурилмасини, ечилувчи керн қабул қилгичли колонкавий снаряд ҳамда ҳаво пуркаб бурғилаш снарядининг янги конструкцияларини ва скважина ҳарорат режимларининг аналитик моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади, булар эса бурғилаш ускунаси эксплуатациясининг энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уюрмали қувурларни қўллаб бурғилаш ускуналарини энергия самарадор эксплуатациясини илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бурғилаш ускунаси компрессорининг ички ёнув двигатели иссиқлигини утилизация қилиш қурилмаси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Геология қидируви экспедициясининг Марказий геологик қидирув партиясида амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 19 августдаги 02-06-07/8762-сон маълумотномаси). Натижада, атроф муҳитга иссиқлик йўқотилишининг камайиш ва бурғилаш ускунасининг компрессори самарадорлигини ортиш имконини берган;

уюрмали совутгичли бурғилаш снарядининг янги конструкцияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Геология қидируви экспедициясининг Марказий геологик қидирув партиясида амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 19 августдаги 02-06-07/8762-сон маълумотномаси). Натижада, скважина тубида қулай ҳарорат шароитларини яратиш ва бурғилашнинг механик тезлигини ошириш имконини берган;

уюрмали қувур «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Геология қидируви экспедициясининг Марказий геологик қидирув партиясида амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 19 августдаги 02-06-07/8762-сон маълумотномаси). Натижада, компрессорнинг ички ёнув двигатели ёқилғи сарфини 10% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан, Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 7 та мақола нашр этилган, 2 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Скважиналарни ҳаво пуркаб бурғилашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва ҳолати»** деб номланган биринчи бобида скважиналарни ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашнинг хусусиятлари таҳлил қилинган ва чангга қарши курашиш усулларининг самарадорлиги ўрганилган. Ҳаво ёрдамида тозалаб бурғулаш соҳасида маҳаллий ва хорижий тажрибаларнинг таҳлили келтирилган, шунингдек, ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашда бурғилаш ускуналарининг энергия самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.

Бурғилаш техникаси ва технологияларини такомиллаштириш, бурғилаш ускуналарининг энергия самарадорлигини ошириш ва скважиналарни бурғилаш харажатларини камайтириш фойдали қазилма конларини қидириш ва қазиб олишнинг долзарб вазифасидир.

Скважиналарни бурғилашнинг самарадорлигини ошириш янги инновацион ва юқори самарали техник ечимларни жорий этишни талаб қилади.

Бугунги кунда скважиналарни ҳаво ва турли газсимон ювувчи суюқликлар ёрдамида тозалаб бурғилаш усули муаяйн шароитларда энг илғор ва самарали ҳисобланади.

Ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашда ювувчи суюқликнинг бурғилаш қувурларига гидростатик босими йўқлиги туфайли бурғилаш тезлиги кескин равишда ошади. Натижада жинс парчаловчи асбобнинг иш шароитлари яхшиланиб, скважиналарни ўтиш тезлашади.

Муаяйн шароитларда скважина тубини сиқилган ҳаво ёрдамида тозалаш скважинларни ўтишнинг самарали усулидир. Аммо ҳавонинг массавий сарфи ва иссиқлик сиғими ювиш суюқлигига нисбатан анча паст, бу эса, жинс парчаловчи асбобнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи, скважина тубида юқори харорат тартибни ҳосил бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари, бурғилашнинг энергия сарфи компрессор қурилмаларидан фойдаланиш туфайли ортади, чунки унинг юритмаси қуввати шунга ўхшаш шароитларда ишлатиладиган насосларникига нисбатан анча катта.

Компрессорнинг номинал тартибда ишлаши катта энергия йўқотишларига асосий сабаб бўлади. Ёқилғининг, тахминан, 30 % фойдали қувватга айланса, унинг 70 % иссиқлик шаклида йўқолади, шу сабабли, йўқотишларнинг аксарияти компрессор қурилмасининг ички ёнув двигателларига тўғри келади.

Олдинги тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ишнинг қуйидаги асосий йўналишларини шакллантиришга имкон берди: скважина тубидаги ҳарорат тартибларини яхшилаш ва компрессор қурилмасининг самарадорлигини ошириш орқали жинс парчаловчи асбобларнинг самарадорлигини ошириш.

Диссертациянинг «Скважиналарни ҳаво билан тозалаб бурғиладда жинс парчаловчи асбобнинг ҳарорат тартибларини такомиллаштириш ва тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида, бурғиладда самарадорлигига жинс парчаловчи асбобларини ҳарорат тартибининг таъсири ва омиллари таҳлил қилинган, бурғиладда асбобининг ҳарорат тартибини меъёрлаштириш учун уюрмали қувурдан фойдаланиш имконияти тадқиқ қилинган.


Скважиналарни ҳаво ёрдамида тозалаб бурғиладда энергия самарадорлигини ошириш учун ҳарорат тартибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Скважинларни ўтишда ҳарорат омиллари бурғиладда асбобининг ишлашига салбий таъсир кўрсатади: матрицалар деформацияси, олмосларнинг бузилиши, уларнинг ишчи юзаларининг емирилиши, олмос мустаҳкамлигининг пасайиши ва асбобларнинг куйиши.

Бурғиладда асбобининг юқори ҳарорати натижасида авариялар юзага келади, аксарият ҳолларда олмос тишли долоталар қуяди, ушбу ҳолатни бартараф этиш учун сарфланган вақт умумий бурғиладда вақтининг 8-10% ни ташкил этади. Шубҳасиз, самарадорликнинг ошиши скважиналарни бурғиладда ҳарорат тартибини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ҳаво ёрдамида тозалаб бурғиладда скважинанинги ҳарорат тартибини меъёрлаштиришнинг энг самарали воситаларидан бири тозаловчи восита сифатида манфий ҳароратгача совутилган ҳаводан фойдаланишдир.

Тозаловчи ҳавони совутиш қурилмаси сифатида Ранк эффектига асосланган уюрмали қувурдан фойдаланиш янада самарали ва иқтисодий фойдали бўлиши мумкин. Уюрмали қувурнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг кичиклиги ва ҳаракатланувчи қисмларнинг йўқлиги уни бурғиладда жараёнида пастки совутиш генератори сифатида ишлатиш имконини беради. 1-расмда уюрмали қувурнинг конструкцияси келтирилган.



1 – қувур; 2 – гайка; 3 – корпус; 4 – улитка; 5 – совуқ томонда совуқ ҳаво фракцияси генератори; 6 – гайка; 7 – қувур; 8 – дроссель; 9 – крестовина; 10 – қоплама

1 – расм. Уюрмали қувурнинг конструкцияси

Ҳавони соплодан оқиб чиққанлиги натижасида юзага келган айланма уюрмали оқимнинг устки қатлами анча совиб, диафрагманинг тешиги орқали совуқ оқим сифатида чиқиб кетади, бир вақтнинг ўзида ички қатлам қизиб, дрессель орқали иссиқ оқим сифатида оқиб чиқиши уюрмали эффект ёки Ранк эффектидир. Дрессель иссиқ ва совуқ ҳавонинг сарфини тартибга келтиради. Уюрмали қувурнинг совуқ томонидан чиқувчи оқим совуқ фракция деб номланади. Совуқ оқим ҳароратининг энг паст қийматида у минимал ҳаво сарфига эга.

Уюрмали қувурнинг турли иш тартибларида кўрсаткичларини ўзгартиришнинг асосий қонуниятларини белгилаш мақсадида тажриба синов ишлари ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари натижалари уюрмали қувурнинг совуқ ва иссиқ оқимларининг ҳарорат ўзгариши ҳаво босимига боғлиқлигини аниқлашнинг имконини берди.

Тажриба синов маълумотларини статистик қайта ишлаш натижасида уюрмали қувурнинг совуқ оқими ҳароратининг ҳаво босимига қуйидаги боғлиқлиги аниқланди:

$$t_{1H} = -24,6 P - 10,9, \text{ } ^\circ\text{C}; \quad (1)$$

бунда P – компрессордан чиқувчи сиқилган ҳаво босими, МПа.

Олинган боғлиқлик уюрмали қувурни қўллаб скважиналарни ҳаво билан тозалаб бурғиладда, ҳарорат тартибларини (2) ва (3) формулалар ёрдамида ҳисоблашда уюрмали қувурдан совуқ ҳаво оқимининг бошланғич (t_{1H}) ҳароратини аниқлаш имконини беради.

Бурғилаш жараёнида скважинанинг ҳарорат тартиби деб, ўзининг кўп сонли турли хил таъсири бўйича омилларга боғлиқ бўлган бурғилаш колоннасининг ички каналида ва ҳалқасимон каналда айланувчи ювувчи муҳитнинг ҳарорати тақсимланиши тушунилади. Б.Б. Кудряшов томонидан таклиф этилган формулалар асос қилиб олинган ушбу формулалар ювувчи муҳит оқимининг дастлабки ҳароратини исталган h чуқурликда бошланғич ҳароратга боғлиқ бўлган ҳолда охириги H скважина чуқурлигида аниқлаш имконини беради. Ҳарорат тақсимланиши формулалари:

бурғилаш қувурида

$$t_1 = (t_{1H} - T_{\text{п}}) \cdot e^{r_2 h} + \frac{k\pi}{G_{\text{тср}}} \cdot \frac{\Delta t_3}{r_1} \cdot e^{r_1(h-H)} + T_{\text{п}}, \text{ } ^\circ\text{C}, \quad (2)$$

ҳалқасимон каналда

$$t_2 = (T_{\text{п}} - t_{1H}) \cdot \frac{r_2}{r_1} \cdot e^{r_2 h} - \frac{k\pi}{G_{\text{тср}}} \cdot \frac{\Delta t_3}{r_2} \cdot e^{r_1(h-H)}, \text{ } ^\circ\text{C}, \quad (3)$$

бунда r_1, r_2 – характерли тенгламаларнинг илдизлари:

$$r_1, r_2 = \frac{\pi}{G_{\text{с}}} \left(\frac{k_{\text{т}} D}{2} \mp \sqrt{\frac{k_{\text{т}}^2 D^2}{4} + k_{\text{т}} k D} \right), \text{ м}^{-1}; \quad (4)$$

бунда $T_{\text{п}}$ – ўртача доимий чуқурлик бўйича тоғ жинсларининг табиий ҳарорати, $^\circ\text{C}$; t_{1H} – бурғилаш қувурига юборилувчи ювувчи агентнинг ҳарорати $^\circ\text{C}$; h – скважина чуқурлиги (жорий координатаси), м; H – скважинанинг охириги чуқурлиги, м; D – скважина диаметри, м; k – қувур узунлиги бирлигига

тенглаштирилган бурғилаш колоннаси деворидан иссиқлик ўтказилиш коэффициентини, Вт/(м·°С). G – оғирлик сарфи (ҳаво учун – G_r), кг/с; c – тозаловчи агентнинг солиштирма иссиқлик сифими, Дж/кг·°С; k_τ – турғун бўлмаган иссиқлик коэффициенти, Вт/ч·°С; Δt_3 – скважина тубида ҳарорат ўзгариши (ошиши), °С.

Скважинани ҳарорат тартибларини ҳисоблаш натижалари қатъий равишда уларга киритилган қийматларнинг тўғри аниқланишига боғлиқ бўлади. Уюрмали қувурни совутувчи ускуна сифатида қўллаб скважина тубини ҳаво билан тозалаб бурғилашда, бурғилаш қувурига юбориладиган уюрмали қувурнинг совуқ томонидаги ҳаво ҳарорати (t_{1H}) босимга боғлиқ бўлади ва уюрмали қувурни тадқиқ қилишда олинган боғлиқлик билан аниқланиши мумкин.

Скважинага юборилаётган ҳавони совутиш учун уюрмали қувурни қўллаганда, ювувчи муҳитнинг бошланғич ҳарорати (t_{1H}) уюрмали қувурнинг совуқ томонидаги ҳавонинг ҳарорати билан аниқланади.

Уюрмали қувурнинг совуқ томонидаги ҳаво ҳароратининг босимга тажрибавий боғлиқлигини қўллаганда, (2) ва (3) формулалар қуйидаги кўринишга келади:

бурғилаш қувурида

$$t_1 = ((-24,6 \cdot P - 10,9) - T_{\text{п}}) e^{r_2 h} + \frac{k\pi \Delta t_3}{G_r c_p r_1} e^{r_1(h-H)} + T_{\text{п}}, \text{ } ^\circ\text{C} \quad (5)$$

ҳалқасимон каналда


$$t_2 = (T_{\text{п}} - (-24,6 \cdot P - 10,9)) \frac{r_2}{r_1} e^{r_2 h} - \frac{k\pi \Delta t_3}{G_r c_p r_2} e^{r_1(h-H)}, \text{ } ^\circ\text{C} \quad (6)$$

бунда P – ҳавонинг босими, МПа.


Скважинанинг исталган нуқтасидаги ҳароратни ҳаво босимига қараб аниқлаш ва башорат қилиш имконини берувчи (2) ва (3) формулалар асосида уюрмали қувур ёрдамида скважина ҳарорати тартибининг математик модели ишлаб чиқилди. Ҳарорат тартиби икки ҳолат учун кўриб чиқилди: биринчи ҳолатда уюрмали қувур скважинанинг устки қисмига ўрнатилади ва совутилган ҳаво иссиқлик сақловчи бурғилаш қувурлари орқали скважинага берилади.

Скважинанинг устки қисмида уюрмали қувур ўрнатилганда (2-расм) иссиқлик сақловчи трубалар билан бурғилашни ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, скважинанинг пастки қисмлари, 75-80 метрларида, тозаловчи ҳавонинг ҳарорати ошади ва тоғ жинсининг ҳароратига яқинлашади. Скважинанинг тубида, 90 метрлик чуқурликдан бошлаб, жинсни парчаловчи асбобнинг ишлаши натижасида ҳаво ҳароратининг бир меъёردа ошиши кузатилади. 100 метр охири чуқурликда бурғилаш қувурида ҳарорат 11 °С ни ва скважинанинг ҳалқасимон бўшлиғида 18 °С ни ташкил этади.

Иккинчи ҳолатда, уюрмали қувур бурғилаш снарядининг устига жойлаштирилади. Уюрмали қувур бурғилаш снарядининг устида жойлашганда ҳисоблаш натижалари график тарзда кўрсатилган (3-расм), ундан пастки қисмидаги қувурда якуний ҳарорат –8°С ва ҳалқасимон бўшлиқда –1°С эканлиги кузатилади.



2 - расм. Иссиқлик сақловчи бурғилаш қувурларида (1) ва ҳалқасимон бўшлиқда (2) ҳароратнинг тақсимланиш графиги



1 - бурғилаш қувури ичида; 2 - ҳалқасимон бўшлиқда

3 - расм. Уюрмали қувурни бурғулаш снарядининг устига жойлаштирилганда ҳароратнинг тақсимланиши графиги

Ҳисоблаш натижалари бизга, шуни хулоса қилиш имконини берадики, уюрмали қувур бурғулаш снарядининг ичига жойлаштирилса, скважинанинг тубида юқори совутиш натижасига эришилади. Аммо ушбу ҳолатда бурғилаш снарядининг самарали ишлашини таъминловчи конструкциясини ишлаб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Диссертациянинг «Утилизация қилинган иссиқликдан фойдаланиш эвазига дизель компрессорининг юритмаси самарадорлигини ошириш» деб номланган учинчи бобида компрессор ва бурғилаш ускуналарининг энергетик йўқотилишлари таҳлил қилинган, компрессор ички ёнув двигателининг иссиқлигини утилизация қилиш қурилмаси ишлаб чиқилди ва ички ёнув двигателидан чиқадиган тутун газлари эжекциясининг, унинг ишлашига таъсири экспериментал тадқиқ қилинди.

Совутилган ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашда ўтиш тезлиги ошиши билан бирга, компрессор ускунасининг юритмаси қуввати ўхшаш ҳолларда қўлланувчи суюқлик билан тозалаб бурғилашда қўлланиладиган насосникига нисбатан катталиги сабабли, компрессорни ишлатиш натижасида энергия сарфлари ошиши юзага келади.

Кўчма компрессорлар ишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энергия йўқотишларининг катта қисми компрессор юритмасининг ички ёнув двигателига тушади, чунки ёнган ёқилғининг ҳаммаси ҳам фойдали қувватга айлантирилмайди. Ички ёнув двигателида ёнган ёқилғидан ажралган

иссиқликнинг катта қисми двигателнинг совутиш тизими ва тутун газлари билан олиб кетилади.

Ички ёнув двигателида ёқилғи ёнганда иссиқликнинг фақат бир қисми фойдали ишга айланади. Ушбу қисм двигателнинг самарали фойдали иш коэффициенти билан белгиланади, унинг қиймати бир қатор омилларга боғлиқ ва реал шароитда 30-35% дан ошмайди. Бошқа барча иссиқлик атмосферага тутун газлари ва двигателнинг совутиш тизими орқали чиқарилиб юборилади. Ҳозирги вақтда бу иссиқлик фойдали ишлатилмайди ва атроф-муҳитни зарарлаган ҳолда йўқотилади.

Ҳозирги кунда тутун газларидан фойдаланилмайдиган двигателни камдан-кам учратиш мумкин. Чунки бу иқтисодий самарасиз машина ҳисобланади, сабаби у бир қатор тизимлар ёрдамида тўлиқ қайта ишлатилиши мумкин бўлган энергияни катта миқдорда атмосферага чиқариб юборади.

Компрессор ички ёнув двигатели ва уюрмали қувурдан ҳосил бўлувчи иссиқликни саноат ва маиший объектларни иситишга, иссиқ сув билан таъминлашга, ишлаб чиқаришнинг технологик эҳтиёжларига фойдали ишлатиш мумкин.


Тутун газларини иссиқлик алмаштиргичлар орқали иссиқлигини олиш ички ёнув двигателининг тутун газлари қувурида газларнинг ҳаракатига қаршилиқни оширади. Қувурдаги қарши босим миқдори чекланган, чунки бу двигател цилиндрларидаги иш жараёнларини ёмонлаштиради ва цилиндрларни янги ҳаво заряд билан тўлдирилишини камайтиради, двигателнинг самарали қувватини пасайтиради. Ички ёнув двигатели билан ишлайдиган компрессорларнинг самарадорлигини ошириш учун уюрмали қувурдан фойдаланиш мумкин.

Компрессорнинг самарадорлигини ошириш ва уюрмали қувур ёрдамида ҳаво билан тозалаб бурғилашда, технологик жараёнларни иссиқлик билан таъминлаш харажатларини камайтириш учун уюрмали қувурнинг иссиқ томонидан чиқувчи ва ички ёнув двигателининг иссиқлигини утилизация қилиш қурилмаси таклиф этилади (4-расм). Қурилманинг янгилиги 26.06.2019 йилдаги FAP 01311-сонли Ўзбекистон Республикасида фойдали модел учун олинган патент билан ҳимояланган.

Қурилма қуйидагича ишлайди: компрессор двигатели ишга тушгандан сўнг, компрессорнинг (1) ҳаво йиғгичидан (9) сиқилган ҳаво уюрмали қувурларига (11) ва (12) узатилади, уюрмали қувурларда ҳавонинг совуқ ва иссиқ ҳарорат оқимларига ажралиши содир бўлади. Совуқ ҳаво оқими уюрмали қувурларда ажратилгандан сўнг скважинага юборилади. Эжекцияли сопло (8) орқали иссиқ ҳаво оқими ички ёнув двигателининг (2) тутун газлари қувуридан (6) келаётган иссиқ оқим билан аралашиб иссиқлик алмаштиргичга (5) юборилади.

Вентилятор (4) радиаторнинг (3) иссиқлигини олиб, уни иссиқлик алмаштиргичга йўналтиради (5), иссиқлик алмаштиргич тутун газлари оқими ҳаракатига қаршилиқ ҳосил қилади, бу эса двигателнинг фойдали қувватини камайтиради ва унинг ёқилғи сарфини оширади. Иссиқлик алмаштиргични қаршилиқларининг зарарли таъсирини камайтириш учун (11) ва (12) уюрмали қувурлардан юқори босимли иссиқ оқим эжекцияли соплога (8) берилади,

бунда, соплодан юқори тезликда чиқадиган уюрмали қувурнинг иссиқ оқими тутун газларини ўзи билан бирга тортиб кетади ва эжекция ҳолатини яратади. Бу эса иссиқлик алмаштиргич томонидан тутун газлари ҳаракатига қўрсатиладиган қаршиликни камайтиради ва двигателнинг фойдали қувватини оширади, ёқилғи сарфини эса камайтириш имконини беради.



1 – компрессор; 2 – ички ёнув двигатели; 3 – радиатор; 4 – вентилятор; 5 – иссиқлик алмаштиргич; 6 – тутун газлари қувури; 7 – қувур; 8 – эжекцияли сопло; 9 – ҳаво йиғгич; 10 – задвижка; 11 ва 12 – уюрмали қувур

4 - расм. Компрессорнинг ички ёнув двигателининг иссиқлигини утилизация қилиш қурилмаси


Ички ёнув двигателининг самардорлигига тутун газлари эжекциясининг таъсирини аниқлаш мақсадида уюрмали қувурдан ҳаво оқими билан тутун газлари эжекциясида ёқилғи сарфи тажрибада тадқиқ қилинди.

Тажриба ишларини бажаришда 5-расмда схематик кўриниши келтирилган мосламадан фойдаланилди.

Двигатель ва иссиқлик алмашгич ўртасидаги тутун газлари қувурида эжекцияли соплодан фойдаланиш двигателнинг ёқилғи сарфини камайтириш имконини берди.

Тажриба-синов ишлари генераторининг қуввати 2 кВт бўлган бензоагрегатни қўллаб ўтказилди. Генераторга юклама сифатида чўғланма лампалар қўлланилди. Юклама 0 Вт дан 1800 Вт гача, 300 Вт дан ошириб борилди. Уюрмали қувур иссиқлик алмаштиргичдан олдинда бензоагрегатнинг тутун газлари қувурида жойлашган эжекцияли соплода ўрнатилди. Уюрмали қувурга сиқилган ҳаво компрессор орқали берилди.

Тажриба-синов ишлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич бензоагрегатнинг тутун газлари қувурига иссиқлик алмаштиргични улаб эжекцияли соплони қўлламаган ҳолда ўтказилди. Иккинчи босқичда бензоагрегат ва иссиқлик алмаштиргич орасидаги тутун газлари қувурида эжекцияли соплони қўлаб ўтказилди.



1 – ички ёнув двигатели; 2 – тарози; 3 – тутун газлари қувури; 4 – компрессор;
5 – уюрмали қувур; 6 – эжекцияли сопло; 7 – иссиқлик алмаштиргич;
8 – лампалар блоки; 9 – вентилятор;

t_1 – иссиқлик алмаштиргичга кирувчи тутун газининг ҳарорати, (°C);

t_2 – иссиқлик алмаштиргичдан чиқувчи тутун газининг ҳарорати, (°C);

$t_{охл1}$ – иссиқлик алмаштиргичга узатилаётган совутувчи ҳавонинг ҳарорати, (°C);

$t_{охл2}$ – иссиқлик алмаштиргичдан чиқаётган ҳавонинг ҳарорати, (°C);


$V_{вх}$ – иссиқлик алмаштиргичга узатилаётган тутун гази оқимининг тезлиги, (м/с);

$V_{охл}$ – иссиқлик алмаштиргичга узатилаётган совутувчи ҳаво оқимининг тезлиги, (м/с); $t_{г.вх}$ – уюрмали қувурнинг иссиқ ҳавоси ҳарорати, (°C)

5 - расм. Ички ёнув двигателининг тутун газлари эжекцияси унинг самарадорлигига таъсирини тадқиқ қилишни тажрибавий қурилмасининг схемаси

6-расмда ички ёнув двигатели ёқилғи сарфи қийматининг двигатель юкламасига боғлиқлиги графиги келтирилган.

Тажриба-синов жараёнида эжекцияли соплодан фойдаланиш, ёқилғи сарфини камайтириши кузатилди. Ёқилғининг тежалиш қиймати двигателга юклама ортиши билан ортиб борди. Тажриба-синов тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, эжекцияли соплодан фойдаланиш ички ёнув двигателининг ёқилғи сарфини ўртача 7-10% га камайтириш имконини беради.



6 - расм. Ички ёнув двигатели ёқилғиси сарфининг двигател юкламасига боғлиқлиги графиги

Диссертациянинг «Уюрмали қувурларни қўллаб бурғилаш ускуналарини энергия самарадор эксплуатацияси усулларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида жинс парчаловчи асбобнинг ишлаш жараёнида скважина тубининг иссиқлик қуввати, тажриба ўтказилиб тадқиқ қилинди.

Қувват қидирув ва портлатилувчи скважиналарни бурғилаш ишларида тоғ жинсларини парчалаш жараёнининг самарадорлиги ва энергия сарфини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Рационал технологик тартибларни аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш, керакли қувват жараёни лойиҳалаш босқичида аниқлашга боғлиқ. Бурғилаш қувурларга юборилаётган тозаловчи ҳавонинг бошланғич ҳарорати ($t_{1н}$) билан бир қаторда, скважина ҳарорат тартибини аниқлашда энг муҳим омил, скважина тубида жинс парчаловчи асбобнинг қизиши натижасида, тозаловчи ҳаво ҳароратининг ошиши Δt_3 ҳисобланади.

Ҳаво ёрдамида бурғилашнинг тажрибаси натижалари скважина тубида ҳосил бўлувчи иссиқлик қуватини аниқлаш имконини берди, яъни туб олди ҳудуди ва коронкани қизишига сарфланувчи қувват:

$$P_{\text{тепл}} = c \cdot G \cdot (t_2 - t_1), \text{ Вт}, \quad (7)$$

бунда c – ҳавонинг иссиқлик сифими, Дж/кг·°С; t_2 – герметизатордан чиқувчи ҳавонинг ҳарорати, °С; t_1 – уюрмали қувурдан чиқишда ҳаво ҳарорати, °С; G – ҳаво сарфи, кг/с.

Тажриба натижалари иссиқлик қувватини ҳажмий бурғилаш тезлигига боғлиқлигини аниқлашнинг имконини берди (7-расм).

Тажриба синовлари натижасида ҳажмий бурғилаш тезлигининг ўзгаришини ўқли босим ва бурғилаш колоннасининг айланишлар тезлигига боғлиқлиги ўрнатилди. Бурғилаш тезлиги, коронка айланиш частотаси ва ўқли босимни ўзгариши ҳажмий бурғилаш тезлигига таъсир этади. Иккинчи томондан, ўқли босим ва айланишлар частотасининг скважина туби қувватига таъсири маълум.



7 – расм. Иссиқлик қувватининг хажмий бурғилаш тезлигига боғлиқлиги

Тажрибада олинган маълумотларнинг регрессион таҳлили натижасида қуйидаги боғлиқлик аниқланган:

$$P_{тепл} = 7 \cdot 10^9 \cdot v_{п} - 83,82, \text{ Вт}, \quad (8)$$

бунда $v_{п}$ – хажмий бурғулаш тезлиги, м³/с.

Аниқланган боғлиқлик ёрдамида пуркаш учун ҳаво ҳароратининг ошишини аниқлаш мумкин:

$$\Delta t_3 = \frac{P_{тепл}}{G \cdot c} = \frac{7 \cdot 10^9 \cdot v_{п} - 83,82}{G \cdot c}, \text{ } ^\circ\text{C} \quad (9)$$

бунда $P_{тепл}$ – бурғилаш жараёнида скважина тубида ҳосил бўлган иссиқлик қуввати, Вт; c – ҳавонинг иссиқлик сифими, Дж/кг·°C; G – ҳаво сарфи, кг/с; $v_{п}$ – хажмий бурғилаш тезлиги, м³/с.

Ҳаво ёрдамида бурғилашда скважинанинг ҳарорат тартибини амалий ҳисобларда, жинс парчаловчи асбобда ҳосил бўлган, пуркаланувчи ҳаво ҳароратини (Δt_3) ошишини кўрсатувчи, иссиқлик миқдори тажрибавий йўл билан аниқланган боғлиқлик (8) ёрдамида ҳисобланиши мумкин. Бунда, Б.Б.Кудряшов томонидан скважинанинг ҳарорат тартибини амалий ҳисоблаш учун таклиф этилган (2) ва (3) формулалар қуйидаги кўринишга келади:

бурғилаш қувурларида

$$t_1 = [(-2.46 \cdot P - 10,9) \cdot T_{п}] \cdot e^{r_2 h} \cdot \frac{k\pi(7 \cdot 10^9 \cdot v_{п} - 83,82)}{G_r^2 \cdot c_p^2 \cdot r_1} e^{r_1(h-H)} + T_{п}, \text{ } ^\circ\text{C}, \quad (10)$$

ҳалқасимон каналда


$$t_2 = [T_{п} - (-2.46 \cdot P - 10,9)] \frac{r_2}{r_1} e^{r_2 h} - \frac{k\pi(7 \cdot 10^9 \cdot v_{п} - 83,82)}{G_r^2 \cdot c_p^2 \cdot r_2} e^{r_1(h-H)}, \text{ } ^\circ\text{C}. \quad (11)$$

Скважиналарни тўлиқ бурғилаш учун уюрмали қувурли бурғилаш асбобининг конструкцияси ишлаб чиқилди, уюрмали қувурли ечиладиган керн қабул қилгичли колонкавий снаряднинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва уюрмали қувурли бурғилаш снарядини саноат синов-тажрибалари ўтказилди.

Тадқиқот натижалари ва уюрмали қувурларни ишлатиш тажрибасини умумлаштириш скважинанинг тубида тўғридан-тўғри тозаловчи ҳавони

совутиш учун уюрмали қувурни бурғилаш снарядининг пастки қисмида ўрнатилган конструкциясини ишлаб чиқиш имконини берди.

Жинс парчаловчи усқунанинг самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳаво ёрдамида тозалаб бурғилашда скважинанинг тубида ҳарорат тартибини назорат қилиш ва меъёрлаштириш асосида уюрмали қувурли бурғилаш снарядининг конструкцияси ишлаб чиқилди (8-расм). Конструкциянинг янгилиги 03.04.2020 йилдаги FAP 20200089 - сонли Ўзбекистон Республикасида фойдали модель учун ўрнатилган устворлик билан ҳимояланган



- 1 – шарошкали долота;
- 2 – ўтказгич;
- 3 – ташқи қувур;
- 4 – гайка;
- 5 – уюрмали қувур;
- 6 – совуқ фракция генератори;
- 7 – кирувчи тешик;
- 8 – иссиқ ҳаво чиқиши учун тангенциал тешик

8 - расм. Скважина тубини ҳаво билан тозалаб бурғилаш учун уюрмали қувурли бурғилаш снаряди


Уюрмали қувурли бурғилаш снаряди қуйидагича ишлайди. Скважинани бурғилашда ташқи қувур (3) орқали сиқилган ҳаво, уюрмали қувурнинг (6) кириш тешикларига (7) узатилади ва совуқ фракция генераторига (5) утказилади. Уюрмали қувурда сиқилган ҳаво совуқ ва иссиқ ҳаво оқимиға бўлинади, совуқ ҳаво оқими гайка (4) тешигидан оқиб чиқиб, утказгич (2) ва жинс парчаловчи асбоб (1) орқали, бир вақтнинг ўзида бурғилаш асбобини совутиб ва парчаланган тоғ жинсларини скважина тубидан юқорига кўтариб чиқади.

Ушбу мосламада совуқ фракция генератори алмаштириладиган қилиб ўрнатилган, бу эса керак бўлган ҳолларда, бурғилаш тартибларини ўзгартирилганда, совутиш тартибини ўзгартириш имконини беради.

Ушбу снаряд қуйидагича ишлайди уюрмали қувурдан (5) иссиқ ҳаво, махсус тангенциал тешик (8) орқали, қувурдан (3) ташқари муҳитга оқиб чиқади. Тешик (8) тангенциал эжекторли бўлгани учун у қувурдан ташқарида ҳалқасимон уюрмали ҳаракат ҳосил қилади, совуқ оқимни шлам билан олиб кетиб скважина тубининг самарали тозаланиши имконини беради, жинс парчаловчи асбобни совушига яхши таъсир кўрсатади, тоғ жинслари зарраларини қайта-қайта майдалаш учун энергия сарфини камайтиради.

Ҳаво ёрдамида тозалаб бурғиладда ва керн намуналарини олишда бурғиладш долотасининг янада яхшироқ совутиш мақсадида, совутгич сифатида уюрмали қувурли бурғиладш снарядининг янги конструкциясидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади (9-расм). Конструкциянинг янгиллиги 29.05.2020 йилдаги FAP 01503 - сонли Ўзбекистон Республикасида фойдали модель учун олинган патент билан ҳимояланган.

Ечилувчи керн қабул қилгичли бурғиладш снарядининг ишлаб чиқилган конструкцияси қуйидагича ишлайди: скважинани бурғиладда сиқилган ҳаво ички қувур орқали ювувчи суюқлик учун мўлжалланган тешиқдан (1) уюрмали қувурнинг (2) диафрагмасига (4) юборилади. Сиқилган ҳаво уюрмали қувурдан ўтганда иссиқ ва совуқ оқимларга бўлинади. Совуқ ҳаво оқими қувурнинг совуқ томонидан (7) оқиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бурғиладш коронкасини ҳам совутиб, ҳам майдаланган тоғ жинсини юзага олиб чиқиш учун қувурлар орасидаги бўшлиқ бўйлаб скважина тубига йўналади.



- 1 – тозаловчи ҳаво учун тешиқ;
- 2 – ички қувур,
- 3 – иссиқ ҳаво чиқиши учун тангенциал тешиқ;
- 4 – диафрагма;
- 5 – уюрмали қувур;
- 6 – уюрмали қувурдан иссиқ ҳаво чиқиши учун тангенциал тешиқ;
- 7 – совуқ ҳаво оқими чиқиши тешиги;
- 8 – бурғиладш коронкаси

9 - расм. Уюрмали қувурли ечилувчи керн қабул қилгичли колонкавий снаряд

Иссиқ ҳаво оқими учун мўлжалланган тангенциал тешиқ бўйлаб уюрмали қувурдан иссиқ ҳаво қувурлар орасидаги (6) тешиқка оқиб, тангенциал эжекторли тешиқларига (3) иссиқ ҳаво қувурдан ташқари муҳитга оқиб чиқади. (3) тешиқлар эжекторли тангенциал бўлганлиги сабабли, қувурдан ташқари ҳалқасимон муҳитда уюрмали ҳаракат пайдо қилади, бу эса ўз ўрнида совуқ ҳаво оқими билан ҳаракатланаётган майдаланган жинсларни тезроқ олиб чиқилишига, скважина тубини яхшироқ тозаланишига, долотани совушига яхши таъсир кўрсатади, чунки тоғ жинслари зарраларини қайта-қайта майдалаш учун энергия сарфи камаяди. Ечилувчи керн қабул қилгичли колонкавий снаряднинг бундай тузилиши бурғиладш коронкаси мустаҳкамлигини ошириш имкониятини беради.


Ҳаво ёрдамида тозалаб бурғиладда снаряднинг ушбу конструкцияси бурғиладш долотасининг мустаҳкамлигини ошириб, жинс парчаловчи асбобнинг

ишлаши учун қулай ҳарорат муҳитини яратади, скважина тубидаги юқори ҳароратнинг салбий таъсирини бартараф этади.

Ишлаб чиқилган уюрмали қувурли бурғиладан снарядидан чиқувчи тозаловчи ҳаво оқими ҳароратини ҳаво босими сарфига нисбатан аниқлаш учун тажриба синовлари ўтказилди.

Тажриба-синов натижалари асосида совутилган ҳаво оқими ҳароратининг компрессор ҳосил қилган ҳаво босимига боғлиқлиги аниқланди (10-расм).

Сиқилган ҳавонинг босими 0,3 МПа бўлганида, совутилган ҳаво оқимининг ҳарорати -2°C ташкил қилди, босим 0,8 МПа бўлганида эса -15°C , яъни сиқилган ҳавонинг босимини ҳар 0,1 МПа га орттирилганда совутилган ҳаво оқимининг ҳарорати 2-3 $^{\circ}\text{C}$ га пасайиши кузатилди.



10 - расм. Ҳаво оқими ҳароратининг компрессор ҳосил қилган ҳаво босимига боғлиқлик графиги


Бурғиладан асбобининг ишлаб чиқилган конструкциясининг самарадорлигини ва скважина тубини тозаловчи ҳавонинг бошланғич ҳароратларининг паст қийматларида жинс парчаловчи асбоб самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида саноат-синов ишлари ўтказилди.

Уюрмали қувурли бурғиладан снарядини тажриба-синовдан ўтказишда экспериментал ускуна схемаси 11-расмда кўрсатилган.

